

**ТҮҲТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ХАЛҚ  
ЧОЛҒУЛАРИ ОРКЕСТРИ ВА УНИНГ ДИРИЖЁРИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ  
АРТИСТИ, ПРОФЕССОР ФОРУҚ СОДИҚОВ ТҮҒРИСИДА МАҚОЛА.**

**Наил Шарифович Баҳадиров**  
*Гулистан давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Тўҳтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрининг қисқача тарихи, А.И.Петросянц раҳбарлигида оркестрниң ижро санъати ривожланган даври ва кейинчалик ўнинг машҳур бадиий раҳбари ва бои дирижёри Ф.Содиковнинг ижодий ҳакида сўз олиб борилади.

**Сўзлар калити:** Оркестр, реконструкция, репетиция, темперация, А.Петросянц, Ф.Содиков, чолғулар, маҳорат, Т.Курбонов, М.Бафоев, Ф.Алимов, Ҳ.Раҳимов, С.Алиев.

**Abstract:** In this article, a brief history of the Tohtasin Jalilov Uzbek folk instruments orchestra, the period of development of the orchestra's performance under the leadership of A.I.Petrosyants, and later on the creative history of its famous artistic director and chief conductor F.Sadikov will be discussed.

**Keywords:** Orchestra, reconstruction, rehearsal, tempering, A. Petrosyants, F. Sodikov, instruments, skill, T. Kurbonov, M. Bafoev, F. Alimov, H. Rahimov, S. Aliev.

Тўҳтасин Жалилов номидаги давлат ақадемик халқ чолғулари оркестри Республикаиз кекса бадиий жамоалардан бири. Оркестр ташкил этилганига 80 йилдан ошди.

20-аср 30 йилларда Ўзбекистонда бир гурух мусиқа фидойилари жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда ўзбек халқ чолғуларни такомиллаштириш устида катта иш олиб боришиди. Реконструкция 12 босқичли бир текисда темперация қилинган товуш катор тизими асосида олиб борилди ва бу изланишлар натижада чолғуларнинг созланиши биркарориша ва товушлар оралиги кенгайди, овоз кучи ошди, реконструкция қилинган рубоб, дутор, гиҷжак чолғуларининг ойлавий турлари яратилди ва Ўзбекистонда куп овозли халқ чолғу оркестрини тузиш имконияти пайдо бўлди.

Ушбу натижаларга бутун умрини багишлаган чолғушунос олим, дирижёр ва устоз, Ўзбекистонда хизмат санъат арбоби, профессор А.И.Петросянц 1938 йилнинг ноябрида Республикада биринчи халқ чолғулари оркестрни ташкил этди. Аста-секин оркестр ўз фаолияти билан Республика мусиқа ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Қисқа вақт ичида кўплаб муҳлислар ортиради ва кенг жамоатчилик эътиборини қозонади. Энди оркестр жамоаси Республика бўйлаб ва ўнинг ташқарисида мунтазам гастрол сафарларида булади. Хитой, Украина, Эстония, Латвия, Россия, Кавказ орти Республикаларида томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ўрта Осиё республикаларидан Тожикистон, Туркманистон ва Корақалпогистонда халқ чолғу оркестрлар ташкил этилди. Болалар мусиқа мактабларида ва ўрта маҳсус билим юртларида ёшлар оркестрлари фаолият кўрсата бошлади.

Шуниндек, оркестр Республикада созандалар ва композиторлар янги авлодининг пайдо бўлиши ва шаклланишига муносиб ҳисса қўшди.

1957 йил охирида Саид Алиев оркестр жамоасига бадиий раҳбар ва бош дирижёр этиб тайинланди. Янги раҳбар ўз фаолиятини оркестр ижрочилиги санъатининг асосини тубдан ўзгартиришдан бошлади.

Оркестрнинг мезробли гурухларидан айрим чолғулари чиқариб ташланади. Пуфлама созли гурухларга симфоник оркестр чолғуларидан киритилади. Оркестр репертуаридан мураккаб асалар урнини қўпроқ кичик шаклдаги содда асалар эгаллайди.

Энди оркестрнинг ижрочилик санъатида икки хил ижро услуби қўлланилади. Уша даврда янги раҳбар саҳнавий чиқишлирига томошабинларни таклиф қилиш учун халқ ичидаги севимли бўлган қушиқчиларн таклиф этади. Оркестр ижрочиликда икки ижро услубини қуллаш ҳам купгина созандаларда бир хил қаниқарли чиқмаган, айни пайтда қутилган натижага эришалмаган ва оркестр овозининг соғ садоланишига катта зиён етказган. Аста-секин, вақт давомида оркестрнинг ижро савияси пасаяди. 1973 йилдан оркестр Республика ташқарисига гастрол сафарларрига чиқа олмайди.

Ижодий тажриба шуни кўрсатадики, бир-биридан фарқ қилувчи икки ижро услубини амалда қўллаб, оркестр ўз имкониятларини нафақат чеклади, балки олдига қўйган вазифаларини бажара олмади. Оркестр ўз ижро маҳоратини йўқотади, репертуари тораяди ва чегараланади, ижодий интизом бузилади. Оркестр 1075 йили Давлат аттестациясидан ўтольмайди.

Бу тадбир Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан М.Қориёқубов номидаги Давлат филармонияси ижодий жамоаларининг аҳволини яхшилаш мақсадида ўтказилган навбатдаги режали текшириш натижаси эди.

1976 йилдан бошлаб Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги тавсияси билан оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Форук Содиков тайинланди.

Оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Форук Содиков 1946 йил 31 декабрда таваллуд топди. Р. Глиэр номидаги республика ўрта-маҳсус мусиқа мактаб-интернатида, кейин 1965-1970 йиллари Тошкент давлат консерваториянинг халқ чолғулари факультетида таълим олди. 1971 йилдан Форук Содиков Тошкент консерваториянинг опера-симфоник дирижёrlиги мутахассислиги бўйича укийди.

Ф. Содиков жамоани мустаҳкам ва юқори ижро маҳоратига эга бўлган республикамиздаги етук профессионал жамоалардан бирига айланашига харакат қилди. Унинг дирижёrlик маҳорати халқ чолғулари оркестри ижрочилик маҳорати билан ўсди ва равнақ топди.

Ф.Содиқов раҳбарлик қилаётган халқ чолғулари оркестри профессионал ижрочилик санъати соҳасидаги эришган ютуқлари учун 1980 йилда “Давлат оркестри”, 1991йили эса “Академик оркестр” унвонлари билан тақдирланди. 1986 йили Ф.Содиқовнинг ташаббуси билан оркестр ҳақида “Мусиқали палитра” фильм-концерти яратилди.Ўзбек халқ чолғулари оркестрига кўплаб ранг-баранг асарлар яратишида Ф.Содиқовнинг Ўзбекистон композиторлари блан доимо изланишда бўлиб, ижодий ҳамкорлиги ўзбек мусиқа маданиятида янги саҳифа очиб берди.

Оркестрнинг ижодий фаолияти ривожланди, репертуари янги-янги, айниқса, Ўзбекистон композиторларининг асарлари қенгайди ва бойди:С.Бобоев,Т.Курбанов,М.Бафоев,Ф.Алимов,М.Тожиев,Ҳ.Рахимов ва бошкалар.Ўзбекистон композиторлардан ташқари оркестр репертуарида Ўрта Осиё халқларни чолғу куйлари ва рус классик композиторлар асарлари.

Оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Форук Содиқов 1946 йил 31 декабрда таваллуд топди.Р.Глиэр номидаги республика ўрта-маҳсус мусиқа мактаб-интернатида, кейин 1965-1970 йиллари Тошкент давлат консерваториянинг халқ чолғулари факультетида таълим олди.1971йилдан Форук Содиқов Тошкент консерваториянинг опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича укийди.

Форук Содиков 20 йилдан ошик дирижёрлик фаолиятида кўпгина Ўзбекистон ва хорижий композиторлар асарларини талқин ифаларидан этди.

Форук Содиқов ижрочилик,концерт-ташкилотчилик фаолияти педагогик ишлари билан боғлиқдир.Унинг раҳбарлигига олий ўқув юртларини тўгатган талабалар Ўзбекистонининг турли вилоятларидаги санъат ва маданият муассасаларида ишлаб, Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига ўз ҳиссасини кўшган.Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестри жамоаси фаолияти билан ўзбек миллий мусиқа маданиятини ажralмас қисми бўлибгина қолмай, унинг тарихий саҳифаларидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Форук Содиков самарали дирижёрлик фаолиятида эришган улкан ютуқлари учун 1980 йили Ўзбекистонда қўрсатган артист, 1999 йили эса Ўзбекистон халқ артисти фаҳрий унвонига сазовор бўлди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.А.Х.Ливиев .....Два типа коллективного исполнительства.Т.,1988г.
- 2.А.Раимбаева.....Оркестр узбекских народных инструментов как новая форма коллективного исполнительства. Т.,1988г.
- 3.Каримжон Азимов.....Ўзбекистон дирижёрлари. Т.,1999й.
- 4.Форук Содиков.....Ўзбек халқ чолғулари оркестри, Т.,1999й.